

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod



Долзарб мавзу

МИГРАНТЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида ўтказилган онлайн мулоқот хоризда меҳнат қилаётган мигрантлар ҳолидан хабар олиш, уларни ўз Ватанига, оиласи бағрига қайтариш, муносиб иш жойи ва меҳнат шароитини яратиш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистоннинг Россиядаги бош консулхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган онлайн учрашувда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ҳокимлари, иш берувчи корхона, ташкилот ва бошқарма бошлиқлари, Ташқи меҳнат миграция агентлиги масъуллари ҳамда хоризда меҳнат қилаётган юрдошларимиз иштирок этишди.

Мулоқот аввалида вилоят ҳокими мигрантларга мурожаат қилиб, бугунги кунда вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги муҳим дастурлар ҳамда яратилаётган янги иш ўринлари хусусида батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг мулоқот иштирокчилари билан жонли суҳбат ўтказилди.

— Уч йилдан бери Россияда аёлим билан ишлаймиз, — дейди ангренлик Шерзод Йўлдошев. — Фарзандларим ота-онамининг қўлида тарбияланмоқда. Ангренда уй солганмиз. Агарда ўз шаҳримизда оиламиз харажати етарли иш бўлса, албатта, қайтардик. Ўз уйинг, оиланг бағрида бўлишга ҳеч нарсаси етмайди.

Шерзод Йўлдошевнинг мурожаатини вилоят ҳокими ўз назоратига олиб, 3 иш кунинда шаҳардаги ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома имзолашини айтди.

Бундан ташқари, тадбирда туман ва

шаҳар ҳокимлари, ишбилармон ҳамда тадбиркорлар сўзга чиқиб, корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари, шарт-шароитлар ва ойлик маошлар ҳақида атрофлича маълумот беришди. Мулоқотда кўплаб мигрантларнинг таклиф ва муаммолари тингланиб, аксарининг ечимлари бўйича конкрет чоралар белгиланди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

Президент ташрифидан сўнг...

БЎКА
ИШСИЗЛИКДАН
ХОЛИ ХУДУД
БЎЛАДИ

Сўнгги йилларда солиқ тизимини рақамлаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш, “Солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар билан бевосита самарали ишлар ташкил этилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 2 августда ўтказилган камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш бўйича видеоселектор йиғилишида жойларда солиқ базасини кенгайтириш учун мавжуд имкониятларга алоҳида эътибор қаратилган эди. Жумладан, Бўка туманида ишлаб чиқариш тармоқларини янада ривожлантириш борасида зарур тавсиялар берилди. Мақсад — туманда бюджетга қўшимча 30 миллиард сўм тушумни таъминлашдир. Бу — ҳудудда бюджетга йиллик тушумларни 1,5 қарра кўпайтириш имконини беради. Бандлик масаласи ҳам ҳал бўлиб, “ишсизликдан холи ҳудуд”га айланади.

(Давоми 2-саҳифада) ►

ТЕХНОПАРКДА
ЯНА 8 ТА
КОРХОНА
ИШГА ТУШАДИ 2

Кун тасвири

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИНИНГ
барча ҳудудларида ёшлар иштирокида катта ҳашар уюштирилди.



АНГРЕН шаҳрида янги иш тартиби асосида профилактика тадбирлари ташкил этилди. Унда тунги вақтда назоратсиз ва мақсадсиз юрган вояга етмаган ҳамда катта ёшдаги шахслар билан суҳбат ўтказилиб, жиноятчиликнинг сабаб ва омили бўйича тушунтириш берилмоқда.



ТОШКЕНТ туманида Ўсимликлар карантини ва химияси Агентлиги томонидан “Сайёр лаборатория” фаолияти йўлга қўйилди. Лаборатория ходимлари “Нихол Агро” МЧЖда томчилатиб сугориш усулида етиштирилаётган брокколи карамини фитосанитар назоратдан ўтказишди.



Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси О. Парпиева **ЧИНОЗ** туманидаги Республика киз болалар ўқув-тарбия муассасасида бўлиб, тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди.



ОҚЎРҒОН туманининг “АБС Оқўрғон агрокластер” МЧЖ пахта даласида қатор орасига бошоқли дон экиш юзасидан амалий семинар бўлиб ўтди. Унда иш жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этиш бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.



Қонун ва шарҳ

2022 йил 28 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун Президентимиз томонидан имзоланди. Амалдаги Меҳнат кодексини 2 та қисм, 15 боб ва 294 моддадан иборат эди. Янги таҳрирдаги кодекс умумий ва махсус қисмлар билан бўлиб, 7 бўлим, 34 боб ва 581 моддани ичига олган. Бундан кўринадики, янги таҳрирдаги кодекс амалдагисидан ҳажм жиҳатдан деярли икки баравар катта.

ЯНГИЛАНГАН КОДЕКС:
МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ҲАЁТИЙ ТАЛҚИНИ

Хўш, янги “Меҳнат кодексини” қандай янгиликлар киритилди? Бу борада меҳнат қонунчилигида нимаалар яққол кўзга ташланмоқда, иш берувчи ва ходимларнинг манфаатларида нимаалар ўзгарди?

Янгиланган Меҳнат кодексини Халқаро Миллатлар Ташкилотлари конвенциялари ва тавсияларини ўрганган ҳолда қабул қилинган бўлиб, меҳнат муносабатларини тартибга солишда илгор хорижий тажриба инобатга олинган.

Жумладан, касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, мураббийлик тушунчалари очиб берилган, касб стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш тартиби ўрнатилган. Шунингдек, иш берувчилар ва ходимларнинг касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақамланган.

Эътиборлиси, кодексда ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун иш берувчи бажариши шарт бўлган қўшимча кафо-

латлар жорий этилди. Ўқиш иш билан қўшиб олиб берилганда компенсацияларни бериш шартларига аниқлик киритилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва меъёролаштириш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловларига боғлиқ бир қатор ўзгаришлар назарда тутилган.

Меҳнат кодексини ўрнатилган янги тартибга кўра, эндиликда ходимларнинг алоҳида тоифалари учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органи билан келишмаганидан меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ўрнатиш шарт бўлмайди.

Масалан, иш берувчи—микрофирма ички норматив ҳужжатларни (ИМТҚ, меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, сменалилик жадвали ҳақидаги низомлар ва ҳоказолар) қабул қилишдан воз кечиши мумкин. Бу ҳолда ички норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган шартлар, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги шартлар ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига киритилган.

(Давоми 2-саҳифада) ►

Мунозара

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА
БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!

Яқинда ижтимоий тармоқдаги саҳифаларнинг бирида видео форматдаги сўровномага кўзим тушиб қолди. Унда чамаси 14-15 ёш атрофидаги 2 нафар ўсмирга шундай савол берилди:

— Қайси мамлакатда яшаш ёки таҳсил олишни истасан бўлардингиз?

— Албатта ўзимизда, — деди биринчи ўсмир.

Шунда иккинчи бола ўртоғини туртиб:

— Эй, “пахтакор”, қўйсангчи, ўзимизда эмиш. Масалан, мен Японияда ўқиш ва яшашни хоҳлайман. Сабаби, Япония энг ривожланган давлатлардан...

Ҳа, афсуски, ҳозир кўпгина ёшларнинг фикри ҳаёлий “четга суриш”да: бири ишга дейди, бири ўқишга, баъзилари эса “бутунлай кетаман” дейди.

Нега бундай бўляпти? Айрим ёшлар нега ўз Ватанини севмай қўйди? Биз тарбияда қачон адашдик, қаерда хато қилдик?

(Давоми 2-саҳифада) ►

ТЕХНОПАРКДА ЯНА 8 ТА КОРХОНА ИШГА ТУШАДИ

Президентимизнинг 2022 йил 2 февралдаги "Тошкент вилоятида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳудудда кулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош маҳсулотларни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафта Тошкент вилоятига ташрифи доирасида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркида ҳам бўлди.

Мазкур технопарк ўтган йил 23 мартда Татаристон Республикаси

билан ҳамкорликда очилган эди.

Технопаркнинг умумий майдони 35,1 гектар бўлиб, биринчи босқичда 14 та корхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Учта майдонга бўлинган технопаркда қурилиш-монтаж ишлари босқич-ма-босқич объектлар кесимида ташкил этилган.

Ҳозирги кунда 10,2 миллион долларлик 5 та лойиҳа ишга туширилган.

"Родиум Полимер" масъуляти чекланган жамияти технопаркда ташкил этилган корхоналардан бири. Корхона томонидан кўпиклан-тирилган полипропилен маҳсулот-



лар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати 3,3 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Кўпиклан-тирилган полипропилен автомо-биль саноатида ишлатилади.

Лойиҳа Корея Республикаси иш-билармонлари билан биргаликда амалга оширилди. Бу ерда йилга 2 минг тонна кўпиклан-тирилган полипропилен маҳсулот ишлаб чиқарилади. 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Технопарк директори Жаҳонгир Абдурахмоновнинг таъкидлаши-

ча, жорий йил якунига қадар қий-мати 18,5 миллион доллар бўлган яна 8 та лойиҳа ишга туширилади, 61,8 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бунинг учун Россия, Германия, Корея, Туркия, Хитой каби дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатидан олиб келинадиган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилади. Ўзбекистон, барча саноат тармоқлари экологик талабларга жавоб беради.

3. ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА

БЎКА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД БЎЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шуни эътиборга олиб, туман маҳалла-ларида солиқ орган-ларининг иш самарадор-лигини ошириш бўйича махсус штаб фаолияти йўлга қўйилди. Унга солиқ бошқармаси, савдо-саноат палатаси, кадастр ва давлат ак-тивларини бошқариш агентликлари, марказий банк ҳамда бошқа дав-лат идораларининг ви-лоят ва туман тузилма-ларидан малакали мутахассислар жалб қилинган. Улар тумандаги 44 маҳаллада фаолият юритаётган 2 минг 776 та тadbиркорлик субъект-ларини хатловдан ўтказишди. Хўш, натижалар қандай бўлди?

– Ўрганишларимиз ўз натижаси-ни берди, – дейди вилоят Камбағал-лиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Зийедбек Йўл-дошов. – Биринчи галда умумий майдонини 111 минг 573 квадрат метр бўлган 240 та бўш турган бино ва 190,6 гектар бўш ер майдонлари борлиги аниқланди. Жойлардаги 444 та паст қувватда ишлаётган



корхоналар фаолияти ўрганилди. Уларни тиклаш ҳисобига 2 минг 343 та иш ўрни яратиш мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг йиллик товар ай-ланмаси 74,2 миллиард сўмга еткази-лади.

Бундан ташқари, 241 та тadbир-корнинг фаолиятини кенгайтириш имкони мавжуд. Давлат рўйхатидан ўтмасдан бизнесини юритаётган шахсларга амалий кўмак берилади. Шу билан бирга, ўттиздан зиёд "20 минг тadbиркор – 500 минг малака-ли мутахассис" дастурига кирити-ладиган салоҳиятли тadbиркорлар ҳам борлиги аниқланди.

Лойиҳалар дои-расида тумандаги 25 минг 651 та хо-надон хатловдан ўтказилиб, аҳолига кредит, кишлоқ хў-жалиги маҳсулотла-ри етиштириш учун ер майдони ажра-тиш режалаштирил-ган. Мазкур саъй-ҳа-ракатлар туфайли 8 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Тadbиркорлик

Бугунги кунда вилоятимизда қуёнчиликдан мўмай даромад топа-ётганлар талайгина. Оҳангарон туманининг "Ёнарик" маҳалласида истиқомат қилувчи Абдукарим Қурдашев ёшлигидан қуён боқишга қизиқади. Доим ўзининг қуёнчилик фермаси бўлишини хоҳларди.



даражада кўпайиб бормоқдаки, ёшларимиз унинг мазмун-моҳия-тини тушуниб-тушунмай берилиб алжирашмоқда. "Оммавий мада-ния" аталмиш, бу ажнабий ҳолат барчани бир тусга, бир қолип-га, яккаш фикрлашга ундаяпти. Ёшларни урф-одатларимиздан, менталитетимиздан айиришга уринмоқда.

Тан олайлик, бугун юртимизда "ўқийман, илм оламан, янгилик яратиб, дунёни хайратга сола-ман", дея ўз олдига катта мақсад-лар қўйган ёшлар учун барча ша-роитлар етарли. Яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда маърифатли бўлишга ҳа-ракат қилиш – энг тўғри йўл. Ахир, биз илм сирларини мукамил ўр-ганиши йўлида жаҳон кезган, ҳа-ётини ирфонга бағишлаган буюк алломаларнинг авлодимизку!

Буюк бобокалонларимиз юк-сак ақл, салоҳиятлари билан дунё тамаддунига ўз ҳиссаларини қўш-ганлар: Шеърнат мулкида шоҳу султон Алишер Навоий, ҳадис оламида Имом Бухорий, "Тиббиёт отаси" номини олган Абу Али ибн Сино, "тарихдаги энг улкан ақл эгаси" Абу Райҳон Беруний каби ажодларимиз ҳар бир ўғил-қиз учун буюк намунадирлар.

Модомики гап ёшлар маънави-яти, уларнинг тарбияси хусусида борар экан, оила масаласига ҳам алоҳида тўхталмоқ жоиз. Ватан-ни севиш учун, аввало, оилани, ота-онани, яқинларини севиш ке-рак. Бугун бор вақти ва маблагини фарзанди тарбияси, таълим олиши учун сарф қилаётган ота-оналар кўп. Аммо вақтинчалик ҳю-ҳавасга берилиб, ижтимо-ий муаммоларга ўралашиб, бе-

лар йўлида миллий жипслик, ҳар бир ишни илм, ақл ва маърифат билан, халқ билан кенгашган ҳолда амалга оширсак, фақат ва фақат олдинга қараб борсак, олдимизга қўйган барча мақсадларга эриша-миз", дея таъкидламаган.

Мана шундай ҳолатлар таҳ-лили ва уларни бартараф этиш бўйича олдимизда турган долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳол-да биз – Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолла-ри, "Маърифат" тарғиботчилари жамияти аъзолари, ота-оналар, зиёлилар, маҳалла фаолла-ри, мухтарам нуронийларимизга, ёшларимизга, бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилдик.

Юртимиз тақдирини, Ватанимиз тараққиёти учун соғлом фикрли, комил инсон тарбияси йўлида бирлашайлик. Фарзандларимиз тарбиясига бефарқ муносабатда бўлиш, лоқайдлик қилиш Ватанга, келажакка хиёнат демакдир. Ва-танини севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захи-риддин Муҳаммад Бобур, маъри-фатпарвар жадид боболаримиз шонли анъаналарини ардоқлаб, уларни муносиб давом эттириши-миз лозим.

Ишончимиз комилки, Янги Ўз-бекистонда ҳали Берунийлар, Ибн Синолар, Термизийлар, Фарғо-нийлар, Улуғбеклар етишиб чиқа-ди. Миллатимиз шону шарафини юксакларга кўтариб, дунёдаги энг маърифатли, маънавиятли мил-лат сифатида намоён қиламиз.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
Тошкент вилояти бўлими
раҳбари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ЯНГИЛАНГАН КОДЕКС: МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ТАЛҚИНИ

Иш берувчилар меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифли ва тарифсиз тизимларини қўллаши мумкин. Биринчи марта иш берувчининг ходим олдидаги моддий жавоб-гарлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон, янги таҳрир-даги Меҳнат кодексига назарда тутилган барча ҳолатлар учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тар-тиби белгиланди. Бунда ходим лавозим вазифаларини бажар-маса, меҳнатга ҳақ қандай тўла-ниши аниқлаштирилган. Яъни, агарда ходим иш берувчининг айби билан меҳнат нормасини ёки лавозим мажбуриятларини бажармаса, меҳнатга ҳақ тўлаш ходим ишлаб берган вақт учун мутаносиб равишда унинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқ-дорда тўланади. Агар ходим иш берувчи ва ходимга боғлиқ бўл-маган сабабларга кўра меҳнат нормасини ёки лавозим мажбу-риятларини бажармаса, у ҳолда ҳақиқатда ишлаб берилган вақт-га мутаносиб тарзда ҳисоблаб чиқилган ходимнинг тариф став-каси, лавозим маошининг камида

ҳақи бажарилган иш ҳажмига му-вофиқ тўланади.

Бундан ташқари, ушбу ҳуж-жатда болаларни парваришлаш ва уларнинг тарбияси билан боғ-лиқ қўшимча оилавий мажбури-ятларга эга шахслар доирасини белгилашга ёндашув ўзгарди. Яъни, ота-онадан қайси бири бо-лани парваришлаш билан шугул-ланишини ҳамда тегишли имтиёз ва кафолатлардан фойдалани-шини ўзи ҳал қиладиган ҳолатлар ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, кодексга меҳнат муносабатларини тартибга со-лувчи янги қоидалар, иш берувчи ҳомилалар аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муас-сасаларида антенатал (туғруққа-иш) парваришлаш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шартлиги, хо-димлар, пенсия ёшига етганлар ҳамда тadbиркорлар учун имти-ёз ва имкониятлар, аҳоли банд-лигини оширишга доир бошқа кўплаб янги нормалар киритил-ган.

Саид ҲАСАНБОВ,
Паркент тумани адлия бўлими
Юридик хизмат кўрсатиш
маркази бошлиғи

Янги тизим

КОРХОНАЛАР "СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ"

Жорий йил 12 июлда давлатимиз раҳбари томонидан "Тўлов-га қобилиятсизлик соҳасидagi қонунчилик ҳужжатлари тако-миллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Фармони имзоланган эди.

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат ак-тивларини бошқариш агентлиги Тошкент вило-яти ҳудудий бошқармасида вилоятда фаолият юрита-ётган суд бошқарувчилари иштирокида мазкур фар-моннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти, амалга ошириш жараёнлари ҳақи-да мутасаддиларга тегиш-ли тушунчалар бериш мақса-дида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси-нинг "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, тўловга қобилиятсизлик тартиб-ларини қўллаш орқали иқтисод-дий аҳволи танг корхоналарни молиявий соғломлаштириш амалиёти янада такомиллашти-рилганлиги алоҳида таъкидлан-ди.

Бундан ташқари, семинар иштирокчиларига юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган му-ассис сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулк-



дорининг ҳуқуқ ва мажбурият-лари хусусида батафсил маъ-лумот берилди. Мисол учун, қонун ҳужжатларида бошқарув вазифалари юклатилган шахс-ларнинг хатти-ҳаракатлари оқи-батига атайин тарзда тўловга қобилиятсизлиқни яшириш ёки қасддан ушбу жараёнга олиб келиш аломатлари аниқланган тақдирда суднинг тегишли қа-рори билан мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгилан-ган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиши йиғилиш қатнашчиларига тушунтирил-ди.

Ўз муҳбиримиз

Гўшти ҳам, мўйнаси ҳам фойдали

– 2022 йилда аҳолининг банд-лигини таъминлаш мақсадида маҳалламизда тарқатилган қуён-лардан 6 бошини олган эдим, – дейди Абдукарим ака. – Ҳозирда уларнинг сони 20 тага яқинлаш-ди. Бу қуёнлар "Великан" на-слига мансуб бўлиб, ҳар бири 12-13 килограммгача гўшт қила-ди. Қуён парваришларининг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор: улар ўртача 35-37 даражага атрофидаги ҳароратда сақлани-ши керак. Ундан юқори ҳарорат-

га бардош беролмайди. Бу йилги ёзнинг жазирамасида бир нечта қуёнларим нобуд бўлди. Лекин ҳозир вазият яхшиланди.

Абдукарим аканинг таъкидла-шича, қуёнлар яхши парвариш-ланса тез кўпаяди. Унинг гўшти инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Бундан ташқари, мўй-наси ҳам харидордир.

Суҳробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган сурат

Дарвоқе

Ҳойнаҳой, сарлавҳадан англагандирсиз: халқимиз орасида машҳур бўлган, одамларнинг тўй-томошаларида, базм ва байрамларда кўп айтиладиган шўхгина, ўйноқи бир қўшиқ бор. “Қарғалар учса қарайлик, Марғилоннинг йўлига”, деб бошланади. Илк бор 1970 йилда “Ялла” гуруҳи томонидан тасмага ёзилган, кейинчалик фавкуллода хит таронага айланган ашуланинг оҳангини эшитган киши борки, энгини шимариб, рақс даврасини ҳеч кимга бермасди. Бироқ, негидир 40 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида “тренд”дан тушмаган бу қўшиқ сўнгги вақтларда жаранг сочмай қўйгандек. Бу қўшиқнинг умри поёнига етганиданми, ёки...

Бизнингча, ўша “ёки”сидан кўра, кейинги фарзлар тўғрироқ. Яъни, кўпчиликнинг хабари бўлса керак, мазкур ижод намунасининг матни, унинг яратилиш тарихи ва маъно-мазмунни бўйича ижтимоий тармоқлар орқали турли қарашлар пайдо бўлди. Кимдир бу ашуланинг тарихини ҳув ўша XIX аср охири XX аср бошлари, яъни “оқлошшо” замони, золим империянинг Урта Осиёни босиб олганию, миллатимизнинг қонли, аянчли даврларига таъайди. “Бу қўшиқни ўйнаб эмас, йиғлаб тинглаш керак”, деган тушунча ёйилди. Яна бошқалар бу шунчаки, олисларга қувғин қилинган мардикор ўзбекининг Ватан соғинчи ҳақидаги хиргойиси, холос демоқда. Биз ҳулосани ўқувчининг ўзига қолдирган ҳолда, иккала талқиннинг мазмун-моҳиятини келтирмоқчимиз.

БИРИНЧИ ТАЛҚИН

1875 йил. Қўқонни қўлга олган Кауфман бошлик рус аскарлари Марғилонга юриш қилади. Қўтилмаганда марғилонликларнинг жиддий қаршилигига дуч келган император қўшини жуда катта талафот кўриб, кўплаб йўқотишларга учрайди. Бундан ғазабланган Кауфман шаҳарни босиб олган, аёвсиз қирғинларни бошлаб юборади. Ушанда Чор Россияси қўшинига қаршилиқ кўрсатган, Ватанини душмандан ҳимоя қилган аҳоли ичидан фақат ёш, ғайратли, кучга тўлган норгул йигитларни саралаб олиб, Марғилон йўлидаги симёғочларга бирма-бир осишади. Бундан асосий мақсад – яна исён қилмоқчи бўлганларни ўқўртиб қўйиш, уларни руҳан синдириш эди.

Қатл амалга оширилган, дорга осылганларнинг жасадига тегишга, уларни тулроққа қўйишга рухсат берилмайдди. Вақт



ҚАРҒАЛАР ҚАЙДАЮ ҲАНДАЛАК ҚАЙДА? Ёхуд бир қўшиқнинг икки талқини

ўта бошлагач, қарғалар жасадларни чўқиб ейиш учун Марғилон томон ёпирилишади. Марҳумларнинг яқинлари эса, табиийки, жасадлар таҳқир этилмаслиги учун қушларни қувишга ҳаракат қилишади. Қарғалар кўриниши билан уларни ҳайдаш учун марғилонликлар уйларида югуриб йўлга

Ҳиди келса маст бўлайлик,
Ҳандалакнинг бўйига.
Ҳандалак бўйлиқинам,
Сен унда зор, мен бунда зор.
Тўти қушинга боласидек,
Иккаламиз интизор.
Яъни, шеърда “бу золимлар бизнинг

бек ўғлонлари орасида марғилонлик Худойберди қори деган шоиртабиат киши бўлади. У кунларнинг бирида ҳаёлан осмонга, ўрмондаги дарахт узра учаётган қарғаларга қараб, Ватан соғинчи ила юқоридаги сатрларни битидади.
“Нега энди қарга, мусича ё кабутар

эмас”, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

Маълумки, қарга совуқтабиат жонивор. Ёз пайти иссиқ ўлкаларни тарк этиб, салқин, совуқ жойларга бориб қўним топади. Шоир эса, “Юртимизда ёзда бу қарғалар қаерга йўқолиб қолади десам, бу ерларга келар экан-да. Демак, бу қушлар менинг Ватанимдан, Марғилонимдан учиб келган, уларида юртимнинг тафти бор, ифори бор”, дея соғинч билан тасаввур этади ва шеърнинг илк сатрларини хиргойи қила бошлайди:

Қарғалар учса қарайлик,
Марғилоннинг йўлига...

Ушанда тахминан июнь ойлари бўлса керак. Биласиз, бу вақтларда Ўзбекистонда айна пишиқчилик даври бошланган бўлади. Энг биринчилардан бўлиб ҳандалак пишади. Фавкуллода оригинал тазод! Қарга ва ҳандалак — бири кишининг жонзоти, бири ёзининг неъматиди. Бу совуқ ўлкаларни қарга макон тутган дамба серқўёш Ватанда ҳандалак фарқ пишган!

Афтидан, мана шу ҳиссиёт ва бадий топилма Худойберди қорига завқ берган ва ёшлик пайтлари ва севган қизини эслаб, яна ширин ҳислар билан шеърни давом эттиради:

Ҳиди келса маст бўлайлик,
Ҳандалакнинг бўйига.
Ҳандалак бўйлиқинам,
Сен унда зор, мен бунда зор.
Тўти қушинга боласидек,
Иккаламиз интизор.

“Эй, ҳандалак ифори ёрим, бу не кўргуликки, мен бу ёқларда зору ночор юрибман, сен эса она юртда менга зор бўлиб, мунга-йиб қолдинг-а...”

Мана шу воқеа бундай қўшиқ яралишига сабаб бўлгандир, деб аксар фольклоршунос олимлар ҳулоса қилишган. Санъатшуносларнинг айтишича, қўшиқ оҳанги бироз қувноқ бўлгани сабабли ҳамма ҳам ундаги маҳзунлики, соғинч ва айрилиқни бирданга англаб ололмайди.

Бироқ шунинг ҳам таъкидлаш керакки, шеър матнининг айрим жойларида мардикор деган сўзлар ишлатилгани, унинг сўнггида “Биз ғариб сургун чекиб, бармоғига нишлар келур”, деган битиклар чиндан ҳам совуқ ўлкаларга сургун қилинган мардикор томонидан ёзилганига далил бўла олади.

Сиз қандай фикрдасиз?

Эрали НОРБЕКОВ тайёрлади

Ёз қувончлари ТАШВИШГА АЙЛАНМАСИН

Жазирама ёз кунларида чўмилиш танага ҳузур бахш этади. Шу боис ёзда каттаю-кичик сузиш ҳавзалари томон ошиқади. Аммо чўмилиш мавсумида эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида турли фалокатлар, мудҳиш ҳодисалар содир бўлиши ҳам бор гап.

Ҳар йили мавсум олдидан Фавкуллода вазиятлар вазирлигининг тегишли мутасаддилари аҳоли орасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида профилактик суҳбатлар ўтказишади. Аммо шунга қарамай, тақиқланган сув ҳавзаларида чўмилиш оқибатида туфайли чўкиш билан боғлиқ фавкуллода ҳолатлар юзага келмоқда.

Хўш, бу борада вилоятимизда аҳвол қандай?

Ҳар мавсум вилоят ҳудудидаги дарё, сой, каналларда фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш мақсадида назорат тадбирлари ва рейдлар ўтказилади. Жорий мавсумда ҳам назорат кучайтирилди.

— Албатта, иссиқ ёз мавсумида инсоннинг оқар сувларда, анҳор ва сойларда маза қилиб чўмилиши келади, — дейди Тошкент вилояти Фавкуллода вазиятлар бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи Рустам Алимов. — Вилоятимиз

да рухсат этилган 2 та сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, улар Чорвоқ ва Туябўғиз сув омборларидир. Ҳар иккисидан ҳам вилоят Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг ғаввос-қутқарувчилари томонидан дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида навбатчилик ташкил этилган. Бошқа канал, сой, дарё, анҳор ва қўлларда чўмилиш тақиқланади. Жорий йилги чўмилиш мавсумида вилоятда 5 та чўкиш ҳолати қайд этилган бўлиб, барчаси ўлим билан якунланди. Ачинарлиси, уларнинг бари вояга етмаганлар. Чўкиб кетган фуқароларни қутқариш мақсадида Фавкуллода вазиятлар вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари ходимлари томонидан тез-

кор қутқарув ва қидирув ишлари олиб борилди. Натижа эса ташвишланарли. Мурдаларни ота-онаси, яқинларига топшириш янада ачинарли...

Дарҳақиқат, айрим сув ҳавзаларида чўмилиш бежизга тақиқланмайдди. Сабаби, оқим юқори бўлган сув ҳавзаларида киши ўзини бошқара олмай қолиши ва оқимга қўшилиб оқиб кетиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, чўмилиш тақиқланган сув ҳавзалари ҳудудларида Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий

Мавсум



гвардия ходимлари томонидан ҳам назорат йўлга қўйилган. Аммо, энг аввало, фуқаролар ўзлари тушуниб, ҳаётларини хавфга қўймасликлари керак.

Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, очик сув ҳавзаларида чўмилганда сувнинг чуқурлиги билан бирга, оқим тезлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Оқим тезлиги дақиқасига 10 метрдан ошмаслиги зарур. Чўмилиш вақтини ҳам тўғри танлаш керак. Яъни, эрталаб соат 10:00 дан 12:00 гача ва кечқурун соат 17:00 дан 19:00 гача чўмилиш жуда фойдалли. Чўмилиш муддати 5 дақиқадан 25-30 дақиқачага давом этиши мумкин. Ёз пайтлари катта ёшдаги болалар сувнинг ҳарорати +18 бўлганда, кичик ёшдагилар +20, +28 дан кам бўлмаганда очик сув ҳавзаларида чўмилишлари мумкин. Сувнинг ҳарорати +16 дан паст бўлса, чўмилмаслик керак. Сувга тушишдан олдин бош ва кўкрак соҳасини қўллаб, сўнг шўнғиш даркор.

Дарвоқе, айримлар сув ҳавзаларида спиртли ичимликлар ичиб келишади. Маълумки, спиртли ичимлик таъсирида инсон танасини бошқара олмай қолади. Экспертиза ҳулосалари ва таҳлилларга қараганда, сувда чўкиш ҳолатларининг аксарияти тақиқланган жойларда чўмилиш, сузишни билмаслик ёки спиртли ичимлик истеъмол қилиш туфайлидир.

Юқорида таъкидланганидек, катта суларда чўмилганда ҳушёрлиқни йўқотмаслик саломатлик ва хавфсизлик гаровидир. Шундай экан, сув ҳавзаларида қондаларга амал қилиш, айнисса, ёш болалар тақиқланган жойларда чўмилмаслигини назорат олиш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Тавсия

ИШ УНУМДОРЛИгини ОШИРИШНИНГ 6 ҚОИДАСИ

Вақтингизни бошқаришни, самарали ишлашни ва тўғри дам олишни ўрганмас экансиз, кунлар, ҳафталар, ойлар, балки йилларингизни ҳам бехуда ўтказиб юборишингиз ҳеч гап эмас. Бу борада бир нечта содда, аммо самарали тавсиялар сизга асқатади.



1. Ахборот “парҳез”ига ўтинг. Биргина ишончли ва муҳим ахборот воситасини кузатишнинг ўзи етарли.
2. Тез-тез танаффуслар қилинг. Ўзингизга камидаям соат ажратинг, жисмоний фаолият билан шугулланинг.
3. Мусиқа тингланг. Мусиқа маҳсулдорлиқни яхшилайди.
4. Тез-тез сайр қилинг.
5. Дам олиш соатларини олдиндан режалаштиринг. Уни сеvimли машғулотлар билан тўлдирингиз.
6. Дам олиш кунда иш ҳақида ўйланг. Келгуси ҳафтада сермахсул ишлаш учун мириқиб ҳордиқ чиқаринг.

Эълон

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
ЧИРЧИҚ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОВОҚСОЙ КЎП ТАРМОҚЛИ ТЕХНИКУМИ
2023-2024 ўқув йилига умумтаълим
мактабларининг 11-синф, ўрта махсус касб-хуна
р коллежлари ҳамда академик лицей
битирувчиларини (ёш чегараси йўқ)
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Таълим кундузи ва сиртқи шаклда амалга оширилади.

Таълим йўналишлари:

1. Компьютер инжиниринг (кундузи ва сиртқи);
2. Экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш (кундузи);
3. Мактабгача таълим муассасаси услубчиси (кундузи, сиртқи);
4. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (кундузи).

Техникуми муваффақиятли тамомлаган битирувчилар соҳалари бўйича олий таълим муассасаларига суҳбат асосида иккинчи курсдан ўқишга қабул қилинади.

Ҳужжатлар my.dtm.uz электрон платформаси орқали қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(90) 350-45-38; (99) 538-87-12.

Коррупция — ИЛЛАТ



“СЕЗОН” ДАВОМ ЭТАДИ

ёки ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилган фирибгарлар ушланди

Давлат хавфсизлик хизматининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ходимлари Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда бир нечта тезкор тадбир ўтказди.

Хусусан, Чирчиқ давлат педагогика университетининг бўлим бошлиғи 2 нафар фуқаронинг Россия Федерацияси олий ўқув юртидаги ўқишини ўзи фаолият юритаётган университетга кўчириб бериш ва 2 нафар фуқарога инглиз тилини билиш бўйича халқаро сертификат олиб бериш эвазига 10 100 АҚШ долларини олган

вақтида ушланди.

Бошқа ҳолатда эса Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси фуқарони ушбу олий ўқув юртининг Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия йўналишига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 3 минг АҚШ долларини олган вақтида ушланди.

Яна бир ҳолатда Қибрай тумани-

да яшовчи эр-хотин ўзларининг таълимлари ёрдамида фуқарони Чирчиқ давлат педагогика университетига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 3500 АҚШ долларини олган вақтида ушланди.

Ҳозирда барча ҳолатлар юзасидан мазкур шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 168- (фирибгарлик) ва 28, 211- (пора бериш) моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЎЗА

■ Овоз чиқариб ўқиш шарт!



Оламда онамдай инсон кўрмадим...

Кеча бўйро эдик, бугун-чи, дарё,
Буям Ҳақдан ёрлик авваломбоши.
Қизиқ, сафар чоғи менга доимо
Учрар жигарларим қиёғдоши.

Бишкекда тоғамни кўрагандай бўлдим,
Бўйи-баста худди қуйиб қўйгандай.
Раҳматлини ёдлаб ҳасратга тўлдим,
Қандай инсон эди, соф эди қандай!

Москов кўналғаси ҳамisha тирбанд,
Оломон бир тусда кулранг сурувдай.
Шу жойда учратиб қолсам-а бирдан
Холам эгизагин — жуфт тоғчи сувдай.

Бани одамзоднинг бобоси — Одам,
Қавми инсоният момоси — Ҳавво.
Рангшмизга иқлим сайқал берса ҳам
Эгиз чехралар кўп оламда аммо...

Кўсвеги давридан ўтганман, лекин
Юрмалада бир қиз ҳаёлим олди.
Нугоҳин қизганиб сўзларкан секин,
Эсимга биринчи севгимни солди.

Шоир ўй-ўйлақай ахтарар ташбех,
Ўхшашлик қидирар қадамба-қадам.
Малакдада бир чол, кўлида тасбех,
Каптамини эслатди ойдин бу одам.

Остонада кўрдим Қўқон шамолин,
Мажлисларда дўстлар кўргузди дийдор.
Баъзи манзилларда манфур ва золим
Рақиб нухасин ҳам учратганим бор.

Тасаввурдан минг бор кўламли дунё,
Кезган сарим минг бор ошди ҳурматим,
Онамнинг ўхшашин топмадим асло,
Оламда онамдай инсон кўрмадим!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

■ Интилиш

Айни кунларда республикаимизда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари давом этмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимизда ёшларга яратилган имконият ва имтиёзлар туфайли турли соҳаларда муваффақиятга эришган йигит-қизлар муддатидан олдин талаба бўлишди.

БЕКОБОДнинг Маржонаси



хорижга жўнаб кетган, орада бир йил танаффус бўлган. Шунда ота-онам: “Таэквондога қатнаш”, дейишди. Аввалига “бормайман”, деб хархаша ҳам қилганман. Аммо мураббийим Атҳам Азимов мени руҳлантириб, “Сендан яхши спортчи чиқади”, деб мотивация берганлар. Ҳозирги ютуқларимга улар сабабли эришганман.

Маржона илк мусобақасини яхши эслайди: Янгийўл шаҳрида ўтказилган кичик турнирда барча рақибларини мағлуб этиб, биринчи ўринни кўлга қиритган. Орадан бироз вақт ўтиб, ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб, бронза медали билан тақдирланди. Шу тариқа, таэквондо ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Айниқса, 2018 йил спортчи қиз учун омадли бўлди: Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига ўқишга кирди, ноябрь ойида ўтказилган мамлакат биринчилигида эса шохсупа тўридан жой олди. Бу 13 ёшли қизча учун катта ютуқ эди.

2019 йилнинг август ойида пойтахтимизда ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этган Маржона кучли саккизликдан жой олди. Халқаро мусобақадаги дебютдан сўнг унга 15 ёшида “Спорт устаси” унвони берилди.

— Бу унвонга етиш осон бўлмаган, — дея давом этди Маржона. — Спортда баъзан шундай дамлар бўладики, ўзингни гўё туби йўқ

жарликка қулагандек ҳис қиласан. Қаторасига 2 йил Ўзбекистон чемпионати ва халқаро мусобақаларда омадсизликка учрадим. Бекорга катталар “Омад ёр бўлсин!” дейишмас экан. Айниқса, спортчи омад жуда зарур. Спортчи қанчалик иқтидорли бўлмасин, омад юз ўгирса қийин экан. Ўшанда спортни деб ота-онамдан узоқда яшаган пайтларим, вазн ташлаш, вазни ушлаб туришдаги қийинчиликлар, дўстларим билан ўйнаб-қулаган пайтда терма жамоа машгулотларида бўлганим кўз олдимдан ўтиб, алам ёшлари қалқиганди. Ҳатто спортдан кетмоқчи ҳам бўлганман. Ҳаёлимга мен учун муваффақиятли дамлар тугади, деган фикр ўрнашиб қолганди. Бироқ, ота-онам ўзимни кўлга олишимни, ҳали ҳаммаси олдинда эканини таъкидлаб, далда бўлишган. Бунинг учун улардан миннатдорман.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам машқлар ва шуғулланишни тўхтатмаган Маржона 2021 йилда яна Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2022 йилнинг август ойида эса Болгариянинг София шаҳрида ўтган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида даянга чиққан 17 ёшли Маржона Ҳиндистон, Мексика, Сербия, Италия давлатларининг етакчи спортчиларини мағлуб этиб, финалга йўл олди. Ҳал қилувчи баҳсда Жанубий Корея спортчисига қарши жангда кичик фарқ билан имкониятни бой бериб, қумуш медалга лойиқ кўрилди.



Унинг ютуғидан, айниқса, ота-онаси қувонди.

— Қизим билан фахрланамиз, — дейди Моҳигул Шербаева. — У олдида қандайдир мақсад қўйдими, етмагунча чекинмайди. Аммо, онаман-да, ҳар мусобақада ишқилиб жароҳатланмасинда, деган кўрқув билан ўтираман. Биз дадаси билан доим қизимиз малакали спортчи бўлиб, мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтаришини жуда хоҳлардик. Шукр, орзумиз амалга ошди.

Жорий йил ҳам Маржона учун синовли бошланди. Спортчи тиззасидан жароҳатланиб, мусобақаларда қатнашолмади. Устига устак ҳар бир спортчининг энг катта орзуси бўлган Олимпиада саралаш турнирлари бошлангани боис жароҳати тўлиқ тузалмай сафга қайтмоқчи бўлди. Аммо мураббийлари бунга изн беришмади. Ҳозирда Маржона секин-аста машгулотларга қатнаб, халқаро турнирларга тайёргарлик кўрмоқда. Тез орада спортчи қизимиз яна ютуқлари билан қувонтиришига умид қиламиз.

Сўхробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Кичикинтойларнинг севимли маскани



Мамлакатимизда кичикинтойлар маънан етук, жисмонан бақувват, руҳан баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Бу борада мактабгача таълим муассасаларининг ўрни катта, албатта. Уйда катта бўлган бола билан боғчада тарбияланган бола ўртасида анча фарқ бўлади. Бола боғчада таълим-тарбия олибгина қолмай, тенгдошлари билан муомала-муносабатни, кўпчилик олдида ўзини тутишни ҳам ўрганади.

ота-онани фарзанди боғчада нималар тановул қилиши қизиқтиради, албатта. Боғчамизда озиқ-овқат махсулотларининг сифатли, хавфсиз ва санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тайёрланишига жиддий эътибор қаратилади.

Ажратилган кредит эвазига таъмирланиб, жиҳозланган боғчада ўйин майдончаси, мўъжаз аттракционлар, сув ҳавзаси бор. Айни пайтда муассасада 10 нафар педагог ҳодим фаолият юритмоқда. Кундалик машгулотлардан



■ Мактабгача таълим

масканидан ўн нафар бола иштирок этиб, биринчи ва иккинчи ўринларни кўлга қиритишди.

— Боғчага “Облик” маҳалласидан 15 км. узоқликдаги Оҳангарон туманининг Қағон қишлоғидан ҳам болаларни олиб келинади, — дейди ҳоким ёрдамчиси Лутфулла Хошимов. — Шу сабабли, қўшмича жой сўраб муурожаат қилганмиз. Яқин кунларда масала ҳал бўлса, маҳаллада яна битта боғча очилиши.

Ўткир ХОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Нега шундай деймиз?

Замонадан нолийдилар, ўтиб кетгач — мактайдилар

Баъзи одамлар бўладикки, улар ўзлари яшаб турган замондан нолийдилар, унинг арзумаган камчиликларини деб, бошқа афзалликларини ҳам кўзга илмайдилар, қадрига етмайдилар. “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” деганларидай, орадан йиллар ўтиб, замон ўзгарганидан кейин ҳам бир оз қийинчиликка дуч келганлариде: “Хўв анави замон — хўп замон эди-да”, деб мактайдилар. Юқоридagi ибора шундай одамларга нисбатан киноя тарзида айтилади.

Карвон кўп, ризқи бошқа

Бу мақолани: “Бир оила аъзолари, бир корхона ишчилари, бир маҳалла, бир даҳа, бир шаҳарда бир хил касбдаги кишилар, бозорда сотувчилар ва ҳоказо, ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ҳар бир киши ўз ризқи-насибасини топиб ея олади. Бировнинг ризқи бошқага халал бермайди”, деган маънода қўллайдилар.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
“Ҳикматнома”

■ Кузатув

Хеч қўлбола сирка тайёрлаб кўрганмисиз? Бошқача бўлади-да! Аввало, табиий жараён билан кечади. Қолаверса, ўзингиз пиширган “ош” тотлироқ туюлаверади-ку. Магазиндан олинган узум ёки олма сиркаларига у қадар ишонманг. Кимё аралашади, деб ўйлайман.

Аммо ҳозир гап — бошқа нарса ҳақида.

Хом, яъни ғўра узумни яхшилаб эзгиласиз. Кейин каттароқ банкага солиб, устини сочиқча билан ёпиб қўясиз. Ҳар кун бир кавлаб туриш — шарт. Бўлмаса, усти ёмон моғорлайди. Бир неча кун ўтиб, қарасангиз, пастиди суви пайдо бўлган-у, бори масса, яъни тўппани юқорига кўтарилган. Асл сирка — ўша пастдаги суюқлик. Лекин хулоса қилишга шошилманг. Асл сир-

Жўжани кузда санаймиз...

ка пастда қолиб, хас-хашак унинг бошига чиқиб олибди, деб ҳам ўйламанг. Яхши от кейин чопади-ку. Жўжани кузда санаймиз, ахир. Ҳали кўрасиз, сирка ва тўппа ўртасидаги “тўплар нисбати” ўзгара боради.

Футболда биринчи таймда 3:0 га ютаётган команданинг иккинчи таймда 3:4 га ютқазганини кўрганмисиз? Мен кўрганман. Нима фарқ қилибди: олдин учта гол урди — нима-ю, кейин 4 та гол урди — нима? Ахир, спортда яқуний натижа муҳим эмасми?!

Сиркамизда ҳам худди шундай бўлади. Ҳар кун пастдаги суюқликнинг ҳиссаси ортиб, тепадаги тўппа-

нинг улуши камайиб боваравади.

Охири ҳамма масса пастга тушиб, суюқлик тепага чиқиб олади. Чунки ачиш-бижиш жараёни хас-хашакдаги барча суюқлиқни секин-секин сўриб олади-да. Суюқлигидан маҳрум бўлган тўппа оғирлашиб, такка чўка бошлайди. Энг охирида ўша тўппа озгина дурда бўлиб қолади, холос. Сиркага бутунлай енгиледи-да. Яхши-ла бир докадан ўтказсангиз, тамом, сиркангиз — таппа-тайёр.

Сирка иштахани очади. Овқатнинг яхши ҳазм бўлишига кўмаклашади. Чунки ошқозондаги безининг ишини осонлашти- ради. Бадаандаги холестеринни камайти-

ради. Камиди, ғўрадаги ноёб моддалар шу тариқа баданимизга сингади ҳам-да. Қонни суюқтирса ҳам керак.

Ал-ҳосил: кимдир қаққонлик қилиб, нимададир сиздан ўзиб кетгани билан мактабни юрган бўлса, асло парво қилманг.

Халқ — доно. Яхши от кейин чопади-ку. Жўжани кузда санаймиз-ку, ахир. Айтганча, баҳонада даст(й) сирка тайёрлашни ҳам ўрганиб олган бўлсангиз кераг-а?

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Nashr uchun mas'ul:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:

O'tkir HOSHIKOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:40

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-831.

6 077 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.